



□□□□□□.□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□

## **МУКАДДИМА**

Инсониятни Ўзининг каломи □ Куръони Карим билан улуглаган ва унинг тиловатини ибодат килиб қўйган Аллох таолога беҳисоб хамду санолар бўлсин!

Бу Каломни инсонларга Аллох нозил қилганидек ўргатган севиқли Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи васалламга доимо Аллохнинг салоту саломи бўлсин!

Ушбу омонатнинг бутун ер юзига таркалишида молу жонларини аямаган у зоти бобаракотнинг ахлу оилалари ва сахобаларига Парвардигорнинг ризоси ва раҳмати етсин!

Халкимиз Ислом дини билан мушарраф бўлибдики, ўзининг диний бурчи ўларок, Куръони Каримни ўрганишга, унга амал қилишга бор куч-қувватлари билан ҳаракат қилиб келган. Улар бу борада бошқа мусулмонларга асрлар оша намуна бўлгудек

хизматлар килганлар. Масжид-мадрасаларда, устозлар хузурида барча илмлардан олдин Куръони Каримни тўғри ўқишни ўзлаштирганлар. Кўплари Куръонни тўла ёд олганлар. Лоакал уни караб ўкиб мустакил хатм кила оладиган даражада саводли бўлганлар. Улар бу йўлда молу пул сарфлаганлар, мусофир бўлганлар, иссик-совук кўрганлар, озор-азият чекканлар.

Она заминимиз ўз тарихида не-не мудхиш даврларни кўрмади. Мўгуллар босқини, тахту тож, молу дунё учун бўлган курашлар, ички ва ташки душманларнинг хуружлари... Лекин, нима бўлса ҳам, юртимизда ўша саодатли даврлардан бери Куръон таълими бирор кун ҳам тўхтамади. Аждодларимиз хатто, истибдод хукм суриб турган динсиз тузум даврида ҳам ўзларининг Мукаддас Китобларини кўлдан бермадилар. Тоғу тошларга кочиби чикиби ёки уй бурчагида ертўла ковлаб бўлса ҳам, фарзандларига Куръон ўқитдилар, таълим бердилар. Кандок бўлмасин, бу Омонатни ўзларидан кейинги авлодларга бекаму-кўст етказшга муваффақ бўлдилар.

Аллохга хамдлар бўлсинки, бугунга келиб имкониятлар кенгайди, илм олишининг бир неча усуллари юзага келди. Жумладан, Куръон ўқишни интернет тармоғи орқали, компьютер жихози ва лаппаклар (дискетлар) ёрдамида ўрганиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Бу борада кўп жойларда талайгина ишлар ҳам амалга оширилди ва оширилмаокда. Аммо бизда бу маънода хозирча қадимдан ўқитиб келинган «Муаллими соний» кўлланмасининг Жахонгир Неъматуллаев томонидан овозли нусхаси такдим этилди, холос. Айни пайтда эса Куръон ўқишни ўргатадиган замонавий кўлланмаларга эҳтиёж жуда ҳам катта. Шу эътибордан, кўлингиздаги ушбу кўлланмани тайёрлашга азму карор килинди. Аллох таоло Ўзи ёрдамчимиз бўлсин!

Куръони Карим ер юзига нозил килинган соатдан бошлаб, инсоният уни бемисл кунт билан ўрганишга киришди. Уни илк бор қабул қилиб олган инсон – Мухаммад Мустафо соллоллоху алайхи васаллам оят-сураларни вахий орқали ўзлаштириб бордилар ва бу у зотнинг ўзига хос имтиёз бўлиб, бошқалар Куръонни у зотдан ўргандилар. Расулуллох соллоллоху алайхи васаллам Куръоннинг илк оятларини қабул қилган кундан бошлаб уни инсониятга етказишга киришдилар, саҳобаларга ёздириб, ёдлатиб бордилар. У зотнинг вафотлари билан Куръон ҳам тамомига етди. Энди Куръон таълими масъулияти саҳобаи киромлар зиммасига тушди. Улар бу вазифани қилмақом қилиб адо этдилар. Аввалда мусулмонларнинг кўпчилиги араб бўлганлари боис, Куръон ўрганиш уларга анча осон муяссар бўлар эди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, мусулмонларнинг кўпчилигини араб бўлмаган халқлар ташкил қилиб қолди. Ана шунда Куръон таълими бўйича изланишлар янги босқичга кўтарилиб, турли услублар, кўшимча воситаларни қўллаш йўлга қўйилди. Бу борада энг кенг тарқалган, қадимий ва айни вақтда энг узок давр сурган услуб – бу ҳежжалаб ўқитиш усули бўлган. Унга кўра, ўқувчи алифбони танигач, бирдан Куръонга тушиб, ҳарф ва ҳаракатларни номлаб айтиш билан савод чиқаради. Яқин-яқинларгача

хам бу услуб бизда Куръон таълимида кенг қўлланар эди.

Ўтган асрнинг бошларида таълим соҳасида олиб борилган ислохотлар асносида савод чикаришга қаратилган янги қўлланмалар пайдо бўлди. Уларнинг ичида бизда энг кенг тарқалган китоб машхур татар олими Ахмад Ходий Максудий раҳматуллоҳи алайҳнинг каламига мансуб «Муаллими соний», яъни «Иккинчи муаллим» қўлланмасидир. Ҳақиқатан ҳам бу ихчамгина китобча Куръон ўқишни ниҳоятда осон ва раван йўл билан ўргатади. Муаллиф унда Куръон ўқишни аввал қўлланилмаган янги услубда ўргатишни йўлга қўйган, ҳежжамасдан савод чикаришга мўлжаллаган. Шу боис, китобча Куръон таълимида катта бир бурилиш ясаган, десак муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, у бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Бу қўлланма нафақат бизнинг диёрларда, балки Кавказ, Оврупа ва бошқа ўлкаларда ҳам мусулмонлар учун Куръон ўрганишда энг қулай қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Хар қандай китоб ўз даврининг шарт-шароитларидан келиб чиқиб ёзилганидек, «Муаллими соний» ҳам ўша даврдаги мавжуд ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тузилган. Шунга қўра, унда бир қанча ўқиш қоидалари келтирилмаган, яъни уларни ўргатиш муаллимлар зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, бу китоб ўша вақтдаги асосий мусхаф тури □ гарбий усулда ёзилган мусхафларни ўқишни ўргатган. Аммо бугунги кунда бундай мусхафлар кам учрайди.

Ушбу ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, Куръон ўқишни ўрганувчилар учун ҳозирда мавжуд бўлган таълим услубларидан кенг фойдаланган ҳолда ушбу қўлланма тайёрланди. Унда қуйидагилар амалга оширилди:

□ Кўпчиликка таниш ва қулайлиги эътиборидан, шу билан бирга, барака умидида, қўлланмани тузишда «Муаллими соний» китоби асос қилиб олинди. Шунга қўра, аввал ҳарфлар устида бирма-бир машгулот олиб бориб, кейин бошқа қоидаларни ўзлаштиришга ўтилади;

□ Қўлланма бугунги кунда кенг тарқалган мусхаф тури □ шарқий хат услубида, аниқроғи, «**Мадина мусхафи**»<sup>[1]</sup> услубида битилган мусхафларни ўқишни ўрганиш учун мўлжалланди. Зеро, ҳозирда бу услубда чоп этилган мусхафлар ҳар томонлама мукамал, раван хат билан битилган бўлиб, имтиёзли равишда қўшимча белгилар ёрдамида ўқувчига Куръон ўқишни янада осонлаштирилган суратда нашр этилмоқда. Буни Куръон илмидан хабардор кишилар яхши биладилар. Сиз ҳам ўрганиш давомида бунинг гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, мазкур мусхафни ўрганган киши бошқа турдаги мусхафларни ҳам ўқий олиш қобилиятини касб этса, ажаб эмас. Хозирги кунда аксар мусулмон диёрларида асосан мана шу турдаги мусхафлардан фойдаланилмоқда;

□ Куръон таълимидаги анъанавий истилохларни замонавий тилшунослик атамалари ва қарашлари билан бойитган ҳолда берилди. Юртимиздаги билим юртлирида таълим олган кишиларнинг қўникма ва тушунчалари инобатга олинди;

□ Маълумотлар дарсликларга бўлинди. Хар бир дарсда иккита-учта харф ёки бир-иккита ўқиш қоидаси билан таништирилди;

□ Алифбо харфлари билан бир қатор таништирилгач, унли ва ундош харфлар ҳақида бирма-бир тўхталиб, уларнинг талаффуз усули – фонетикаси ўргатилди;

□ Нутқ аъзоларини суратлар асосида таништирилгандан сўнг, хар бир нутқ товушининг талаффуз ҳолати сурат ёрдамида кўрсатилди. Бунда биз тажвид қитобларида берилган маълумотларга таянган ҳолда ва замонамизнинг қироат илмлари бўйича энг кўзга кўринган олимларидан бири, Куръон таълими борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширгани билан донг таратган олим, доктор Айман Рушдий Сувайд жанобларининг Куръон ўқишни ўргатувчи қўлланмаси учун тайёрлаган расмлари асос қилиб олинди;

□ Хар бир харф ҳақида гап кетганда унинг талаффузида кўп учрайдиган айрим ҳатолар ҳам эсга олинди. Қеракли маълумотлар бериб ўтилгач, харф устида машғул қилиш учун алоҳида машқ тақдим қилинди;

□ Дарсдан ўзлаштирилган маълумотларни бир қатор синондан ўтказиб, мустаҳкамлаш мақсадида дарс охирида ўтилган мавзуга доир саволлар берилди;

□ Ўрни келганда тажвид илмига хос бўлган айрим маълумотларни тақдим этилди, бошланғич таълим доирасидан келиб чиқиб, тафсилотларга киришлмади.

□ Қўлланма мустақил ўқувчилар учун ҳам мўлжаллагани боис машқларни кўпроқ берилди ва айрим батафсил маълумотлар ҳам тақдим қилиб борилди.

□ Кўлланманинг иккинчи кисми ҳам бор бўлиб, тажвид илмига багишланади. У ҳақда ўз ўрнида тўхталамиз.

Аллох таоло Ўзининг сўнги китобини араб тилида нозил килар экан, уни ушбу тил сохиблари гаплашиб юрган оддий лахжада эмас, балки муайян сифатда, яъни ҳеч бир эгриликсиз, айбу-нуксонсиз, фасих ва равшан бўлган араб тилида, махлукларнинг каломларидан имтиёзли равишда нозил килгандир. Бу сифатни Аллох таоло Куръони Каримнинг ўзида «тартил» деб номлаган ва бандаларини ҳам худди шундай ўқишга буюрган:

«**Ва биз уни тартил билан нозил килдик**». (Фурқон сураси, 32-оят)

«**Куръонни тартил билан ўқи**». (Муззаммил сураси, 4-оят)

Ушбу амри илохий барча мўмин-мусулмонларга тегишли бўлиб, унга амал қилиш ҳар бир муслиму муслима учун фарзи айнди.

Кўлингиздаги китоб ана шу хайрли мақсадга қаратилгани учун, кишиларнинг мазкур фармони илохийни амалга оширишлари йўлида хизмат қилсин, деган ниятда уни «Куръон тартили» яъни, «Куръонни тартил қилиш» деб номладик.

Мақсадимиз салафи солихларимизнинг Куръони Карим учун қилган хизматларини давом эттиришга камтарона хисса қўшиш, бошқа илмлар катори Куръон илмида ҳам пешқадам бўлган аждодларимизнинг бугунги авлоди □ диёримиз мусулмонларининг Каломуллоҳга бўлган чанкоғини бир оз бўлса-да, қондириш, Куръонни тўғри ўқий олиш шарафига муваффақ бўлишларида қўмаклашишдир.

Мухтарам ўқувчилар! Ожизоналик билан тузилган ушбу қўлланмаимизда бирор камчиликка йўл қўйилган бўлса, бунинг учун Сиз азизлардан узр сўраймиз ва фикр-мулоҳазаларингизни дариг тутмағайсиз, деб умид қиламиз.

Аллох таолодан ушбу камтарона амални холис Ўзининг ризоси йўлида ва мусулмонлар учун манфаатли этишини сўраб қоламиз. Барчамизга Ҳақ таолонинг ёрдами ва раҳмати бўлсин. Омин!

Хасанхон Яхё Абдулмажид

---

[1] «Мадина мусхафи» – Мадинаи Мунавварада Саудия подшохи Фахднинг матбааси чоп этилган мусхаф номи. Ушбу услубда битилган мусхафлар hozirgi кунда бутун Ислom оламида энг кўп таркалган бўлиши билан бирга кўпчилик томонидан мамнуният билан кабул килингандир.

Ушбу дарсликларни Телеграмдаги [QURAN.UZ](https://t.me/quranuz) каналида ҳам тинглашингиз мумкин.

[@quranuz\\_kanali](https://t.me/quranuz)